МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Т.Т. МАДУМАРОВ

В статье на основе законодательства Республики Узбекистан освещены организационно-правовые вопросы микрокредитных организаций.

In this article was covered the basis of the legislation of Republic of Uzbekistan the organized legal questions of micro credit organizations.

Ўзбекистан Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган микрокредит ташкилотлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг расмий сайтида келтирилган бўлиб, унда микрокредит ташкилотларининг номи, манзили, ташкил этилган санаси, лицензия рақами берилган. Ушбу маълумотга кўра, 2009 август ҳолатига Республикамизда 28 та микрокредит ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларнинг амалиётда кенг фойдаланилаётган ташкилий ҳуқуқий шакли маъсулияти чекланган жамият: “ЭҲТИРОМ ПЛУС микрокредит ташкилоти” масъулияти чекланган жамияти, “Имкон Экспресс Инвест микрокредит ташкилоти” масъулияти чекланган жамияти ва ҳ.к.

Микрокредит ташкилотларини ташкил этиш узоқ ташкилий жараён ҳисобланади. Микрокредит ташкилотини ташкил этишда кўплаб муҳим масалалалр ҳал этиладики, унда микрокредит ташкилотининг келажакдаги фаолияти аниқланади. Микрокредит ташкилотини ташкил этиш тартиби қонунлар ва қонуности меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Уларга биринчи навбатда Фукаролик Кодекси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки” тўғрисидаги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Микромолиялаш тўғрисида”ги, “Микрокредит ташкилотлар тўғрисида”ги қонунлар хамда бошқа қатор меъёрий ҳужжатлар киради. Фуқаролик Кодекси юридик шахснинг шакли ва турига тегишли бўлган умумий масалаларни белгилайди. Микрокредит ташкилотларга қўйиладиган махсус талаблар “Микромолиялаш тўғрисида”ги, “Микрокредит ташкилотлар тўғрисида”ги конунда белгиланган. Улардан бири микрокредит ташкилотлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкинлиги, аммо давлат органлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва диний ташкилотлар томонидан ташкил этилиши мумкин эмаслиги белгиланган [1]. МДХ давлатлари конунчилигида, жумладан, Қозоғистон Республикасининг 2003 йил 6 мартдаги “Микрокредит ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 9- моддасига асосан, тижоратчи микрокредит ташкилоти хўжалик ширкати шаклида тузилиши, 4нотижорат микрокредит ташкилоти ижтимоий фонд шаклида тузилиши мумкин

[2]. Ўзбекистон Республикасида эса, юқорида келтириб ўтилган қонун талабига асосан, бундай чеклов мавжуд эмас, қонунчилик микрокредит ташкилотларини тижоратчи хамда нотижорат турларга бўлмайди. Фақатгина уларнинг давлат органлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва диний ташкилотлар томонидан ташкил этилишини чеклайди. Демак, Ўзбекистон Республикасида микрокредит ташкилотлар тижоратчи юридик шахс ҳисобланади. Аммо таъкидлаш жоизки, 2006 йилдаги "Микрокредит ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун қабул қилингунга қадар, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат микромолиявий ташкилотлар фаолият олиб борган. 2005 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 14 та нодавлат нотижорат микромолиявий ташкилотлар иш юритган [3]. Хозирда хам айрим нотижорат ташкилотларнинг фаолияти кузатилади, аммо уларга микрокредит ташкилоти мақоми берилмаган [4].

Ўзбекистон Республикаси 2006 йил 20 сентябрьдаги "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига асосан, микрокредит ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофик давлат рўйхатидан ўтказилиши керак [5]. Микрокредит ташкилотини ташкил этишга Фуқаролик Кодексида белгиланган юридик шахсни ташкил этишнинг умумий қоидалари қўлланилади. Фукаролик Кодексининг 4-бобидаги юридик шахсларга белгиланган қоидалар, яни юридик шахснинг вужудга келиши, юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, юридик шахсларнинг органлари, юридик шахснинг номи жойлашган ери, юридик шахсни қайта ташкил этиш, тугатиш каби тартиби микрокредит ташкилотини ташкил этиш, тугатиш ва қайта ташкил этишда умумий асос бўлиб ҳисобланади. Микрокредит ташкилотини ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, тугатиш, лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тизимидаги бир нечта меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, микрокредит ташкилоти тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқшунослик субъэкти мақоми остида давлат рўйхатидан ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги 357-сонли Қарори ҳамда "Тадбиркорлик субъэктларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низоми [6] микрокредит ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилайди.

Микрокредит ташкилотини ташкил этишни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаби асосида уч босқичга ажратиш мумкин. Ҳар бир босқич ўз мақсад ва вазифасига эга бўлиб, микрокредит ташкилотининг қандай ҳуқуқий шаклда тузилиши билан ҳам боғлиқдир.

Биринчи босқич - микрокредит ташкилотини таъсис этиш.

Иккинчи босқич - микрокредит ташкилотини давлат рўйхатдан ўтказиш.

Учинчи босқич - микрокредит ташкилоти фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш.

Микрокредит ташкилотини ташкил этишнинг биринчи босқичи қуйидаги ҳаракатларни бажаришни талаб этади:

а) таъсисчиларнинг доирасини аниқлаш;

б) микрокредит ташкилотларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

в) устав фондига таъсисчиларнинг маблағлари ва уларнинг миқдори тўғрисида қарор;

г) таъсис ҳужжатларини тайёрлаш ва лицензиялаш, давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни тўплаш.

Микрокредит ташкилотларини таъсис этиш тўғрисидаги карор микрокредит ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун муҳим босқич ҳисобланади. Микрокредит ташкилоти маъсулияти чекланган жамият ёки акциядорлик (очиқ ёки ёпиқ) шаклларида тузилиши мумкин. Қонунда ҳар қандай шаклга рухсат берилган. Шу асосларда таъсис этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш микрокредит ташкилотлари таъсисчиларининг

ташкилотни ташкилий-ҳуқуқий шаклларини танлаган туридан келиб чиқиб белгиланади. Таъсисчилар қуйидаги масалалар юзасидан қарор қабул қилишлари зарур. “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 5- моддасига асосан, микрокредит ташкилоти таъсис ҳужжатлари асосида фаолият кўрсатади [7]. Микрокредит ташкилотининг таъсис ҳужжатларида муайян ташкилий-ҳукукий шаклдаги юридик шахслар учун қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларга қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият тўғрисидаги;
- бошқарув органларининг тузилиши ва ваколатлари тўғрисидаги;
- микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун маблағларни шакллантириш манбалари тўғрисидаги;
- микрокредит ташкилотида аудит ўтказиш тартиби тўғрисидаги.

Микрокредит ташкилотининг устав фонди пул маблағридан, шунингдек, мазкур ташкилот устав фонди миқдорининг йигирма фоизидан ошмайдиган бошқа мол-мулкдан шакллантирилади. Микрокредит ташкилотининг устав фондини шакллантиришда кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Микрокредит ташкилоти устав фондининг энг кам миқдори лицензия олиш учун мурожаат қилинган кунга қадар факат пул маблағларидан шакллантирилган бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, микрокредит ташкилотининг ташкилий ҳуқуқий жиҳатлари ўзига хос хусусиятларга эгадир. Улар қонунчилик талаблари билан боғлиқ бўлиб, микрокредит ташкилотини ташкил этиш, тугатиш, қайта ташкил этиш каби масалалар билан боғлиқ. Микрокредит ташкилоти исталган ташкилий ҳуқуқий шаклда тузилиши мумкин, унинг ташкил этилиши танланган ҳуқуқий шакли билан боғлиқдир. Микрокредит ташкилоти қонунчиликда белгиланган талаблар бўйича, ҳар бир қонунда умумий белгиланган мақом билан ифодаланади, яъни тадбиркорлик фаолияти субъэкти, ташкилот, жамият, ширкат ва х.к. кўринишида. Микрокредит ташкилотини ташкил этиш бир неча босқичлардан иборат жараён ҳисобланиб, Адлия органларидан рўйхатдан ўтади ва Ўзбекистан Республикаси Марказий Банки томонидан фаолият лицензияланади.

Адабиётлар:

1. ’’Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2006 йил, 37-38-сон, 372- модда.
2. http:// biz. Kostanay, info/brochures/mko/zakon/
3. Ўзбекистонда микромолиялашни ривожлантириш. Маъруза. ИТМ. 2005 й. 18-6.
4. Развитие микрофинансирования в Узбекистане. Техническая записка. Март 2007. Документ Всемирного банка. С.87.
5. “Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами”, 2006 йил. 37-38-сон, 372- модда.
6. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2003 й., 15-16-сон, 130- модда.
7. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2006 йи.33-сон, 372- модда.

ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти,
2009 йил 15 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Р.Рўзиев)